43 (593)
2007 йил 24 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Хазон ёқиб, хасталикка йўлиқманг!
▶ «Баҳора»да биринчи тантана

3 ▶ «Меҳржон» меҳр-оқибат тимсоли
▶ Нонни увол қилма, насибанг бутун бўлади!

4 ▶ Қиммати «Кўҳи нур»га тенглашган асар
▶ Боғда юрган бебошлар...

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Эндокринология илмий-текшириш институти томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда "Саломатлик ойлиги" эълон қилинди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар, таълим даргоҳлари, меҳнат жамоаларида ўтказиладиган ушбу ойликдан кўзланган асосий мақсад қандли диабет хасталигининг олдини олиш, касалликни келтириб чиқарувчи омиллардан аҳолининг кенг қатламини бохабар этишдан иборатдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, оила манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, халқимиз ўртасида тиббий маданиятни янада юксалтиришга йўналтирилган эзгу ишлар ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қатор дастур, фармон ва қарорлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йилда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида бундай ишлар салмоғи янада ортгани эътиборлидир.

14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунига бағишлаб ўтказилаётган мазкур ойлик давомида жаҳон миқёсида тобора авж олиб бораётган ушбу касаллик профилактикаси, унинг илк аломатларини аниқлашга йўналтирилган илмий анжуманлар, семинар-машғулотлар, учрашувлар ўтказилади. Шу билан бирга спортнинг муайян турлари бўйича мусобақалар, хайрия концертлари, театрлаштирилган томошалар, мактабларда иншо ва расмлар танловлари, кўргазмалар ташкил этилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— «Mahalla»нинг сизу биздек муштарийлари кўп экан...

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ — МАҲАЛЛАНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Хусусан, мазкур тизимнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари фаолияти замон талабига мос тарзда шакллантирилди. Бунда Давлатимиз раҳбарининг соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари тизимида изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишлар самарадорлиги ортаётир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматовнинг айтишича, бунда, айниқса, профилактика хизматининг алоҳида ҳиссаси бор. Профилактика инспекторлари нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фаол иш олиб борувчи масъул ходим сифатида намоён бўлмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, оқсоқол, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик тобора яхшиланаётгани маҳаллалар муҳитини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутаётир.

Милиция таянч пунктларида тармоқ хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил йўлга қўйилиб, профилактика хизматининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани туфайли иш самарадорлиги ортмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 3,5 мингдан ортиқ милиция таянч пункти фаолият юритмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида милиция таянч пунктларининг 68 фоизи атрофида факультатив тўгараклар, 58 фоизининг ҳузурида кичик бизнес шохобчалари ҳамда қарийб 80 фоизининг қошида вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган.

Давоми 2-саҳифада



Пойтахтдаги Ҳазрати Имом мажмуаси нафақат тарихий обида, балки халқаро миқёсдаги йирик маърифий тадбирлар ўтадиган маскан ҳамдир. Ушбу мажмуа ҳудудида ва атрофида тинчлик-осойишталикни сақлашда 4-алоҳида милиция батальонининг Тоир Зокиров (чапдан ўнгга), Абдураҳим Ғаффоров, Раҳмат Нурматов, Илҳом Бекмирзаев каби осойишталик посбонларининг ўз касбига фидойилиги ва хушёрлиги қўл келмоқда.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари ва котибларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияларининг раислари ва котиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ШАРТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимизда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Конституциямизда ва миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Айнан шунинг учун ҳам сайловлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда сиёсий, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сайловларни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Улар сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этиши зарур.

Давоми 2-саҳифада

Обуна — 2008

Самарқанд вилояти

"Mahalla"га ИХЛОС ҚЎЙГАНМИЗ" —

дейишмоқда самарқандлик оқсоқоллар

Самарқанд вилояти "Mahalla" газетасига обуна кўрсаткичи борасида кейинги бир неча йил давомида бошқа вилоятлар орасида пешқадам. Вилоятда 1067 та фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳар бир йиғинга икки-учтадан "Mahalla" етиб боради.

Самарқанд маҳаллаларида барча нашрлар, айниқса "Mahalla" газетасига обуна бўлиш ишлари пайсалга солинмайди. Мана, айни кунларда ҳам келаси — 2008 йил учун тизим нашрига обунани ташкил этиш ишлари қизғин кечмоқда. Масалан, Пахтачи туманидаги ўзини ўзи бошқариш органлари ўтган йилги обуна мавсумида вилоятда энг биринчи бўлиб обуна ишларини якунлаган эди. Бу йил ҳам тумандаги 49 та маҳалла, 8 та қишлоқ, 1 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари томонидан "Mahalla" газетасига 179 та обуна уюштирилди. Шунингдек, Қўшработ туманида 34 та фуқаролар йиғини бўйича 102 та обуна ташкил этилган бўлса, 61 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётган Иштихон туманида бу кўрсаткич 183 тага етди.

— Қайсики нашр қизиқарли, мазмунли бўлса, ўша нашрга муштарийлар ихлос қўядилар, йилдан-йилга унинг обуначилари сафи кенгаяверади. "Mahalla" ана шундай нашрлар сирасига киради, — дейди Маҳалла жамғармаси вилоят бўлими масъул котиби Исмат ака Жўлиев. — Маҳаллаларда газетада чоп этилган мақолалар қизғин муҳокама қилинганига кўп гувоҳ бўламиз. Энг муҳими, ҳар бир фуқаролар йиғини раиси ва бошқа ходимлари ўз фаолиятларини тўғри ва самарали йўлга қўйишда ушбу нашрга суянишади. Шу боисдан оқсоқолларимиз ўзларининг севимли газетасига обуна бўлишга шошилишади.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Пойтахт ва Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳри йўналишида қатновчи «Тошкент—Қўнғирот» поезди йўловчиларига бир неча матбуот нашрлари, жумладан, «Mahalla» газетаси ҳам тарқатилади.

— Қизиқарли нашр мутоаласи билан олис йўл заҳмати ҳам сезилмайди, — дейди поезднинг хизматчилар таркиби бригадири Одил ҚАҲҲОРОВ *(чапдан биринчи)*.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 18630 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 36900 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 18630 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 36900 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 октябрь.

Андижон вилояти

"Футболимиз келажаги" турнири

МЕЗБОНЛАР МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнирининг 15-16 ёшлилар ўртасидаги республика босқичи мусобақалари якунланди.

Турнирнинг минтақавий босқичида ғолибликни қўлга киритган жамоалар финал ўйинларини Андижон шаҳридаги "Халқлар дўстлиги" ва "Наврўз" ўйингоҳларида ўтказишди.

Муросасиз беллашувлар остида ўтган мусобақа якунида Андижон шаҳри Саноат маҳалласи ёш футболчилари жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Навоий шаҳрининг Истиқлол маҳалласи ўсмирлари иккинчи ва пойтахтнинг Бободеҳқон маҳалласи футболчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Тантанали равишда ўтказилган мусобақа ғолибларини тақдирлаш маросимида вилоят ҳокимлиги вакиллари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими мутасаддилари ғолиб жамоаларни табриклаб, мукофотлар топширдилар.

МУХБИРИМИЗ

Mahalla
Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти
Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62
« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.
Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна бошланди.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

Самарқанд вилояти

ИЛОНЛИДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК

Бу қулайлик Илонли қишлоғининг ёшу қарисини бирдек хурсанд қилди

Паспорт — инсоннинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатлигини яхши биламиз. Лекин ҳужжат эгасининг эҳтиётсизлиги, эътиборсизлиги боис у яроқсиз ҳолга келиши, йўқолиши ҳам мумкин. Бундай вазиятларда айниқса, биз каби туман марказидан узоқроқда жойлашган қишлоқларда истиқомат қилувчилар учун паспорт олиш, алмаштириш, қайта тиклаш мушкул жараён. Яқин-яқингача маҳалладошларимиз паспорт олиш, янгилаш ёки тиклаш учун туман марказига қатнашга мажбур эдилар. Одатда бундай муассасалар ҳамиша одамлар билан тирбанд бўлади, узундан узун навбат кутишларни айтмайсизми!

Эндиликда эса Ургут тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Аҳаджон Эргашев, туман ИИБнинг хорижга чиқиш-кириш ва фуқароларни рўйхатга олиш бўлими масъул ходими капитан Юсуфжон Исломовнинг саъй-ҳаракатлари билан бундай оворагарчиликка ҳожат қолмади. Чунки бизнинг Илонли қишлоқ фуқаролар йиғини идораси биносидан бир хона ажратилиб, бу ерда юқоридаги муассасанинг ўз ишига пухта, ҳозиржавоб ходимлари ҳафтанинг маълум кунларида аҳолига хизмат кўрсатишни бошлашди. Қишлоғимизнинг кўпсонли аҳолиси бу қулайликдан жуда хурсанд бўлди. Бу тадбир айниқса, ногирон фуқаролар ва кексаларга қулайлик туғдирди. Одамлар туман марказига қайта-қайта қатнаш учун ортиқча вақт, маблағ сарфламайдиган бўлдилар.

Айни пайтда Илонли қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган аҳоли ўзларига беминнат ва малакали хизмат кўрсатаётган, ўрни келганда ҳуқуқий масалаларда маслаҳатларини аямаётган Баҳодир Рўзиев, Алишер Абдурасулов, Сирожиддин Назаровлардан миннатдор.

Жамила ЖАББОРОВА, Маъмура ҚУРБОНОВА.

Андижон вилояти

БЕМАҲАЛДА КЕЛГАН "МЕҲМОН"лар

...Милиция таянч пунктига бузғунчи ғояларни тарғиб этувчи норасмий диний оқимга қўшилгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахснинг хонадонига икки шубҳали "меҳмон" ташриф буюргани ҳақида шошилинч хабар келди. Профилактика катта инспектори Баҳодиржон Ортиқов зудлик билан катта лейтенант Хуснидин Тожиддинов ва маҳалла посбонини ёнига олиб, айтилган хонадонга етиб борди. Ичкаридан мезбон ва меҳмонларнинг қайси шаҳарда қайси маҳсулот арзонлиги ҳақидаги қизғин суҳбати қулоққа чалинарди. Дарвоза тақиллагач, хонадон эгаси чиқиб келди. У аввалига бироз довдираб турди-да:

— Мен бу йигитларни чақирганим йўқ, ўзлари кириб келишди. Меҳмон отангдан улуғ дейишади, шунчаки суҳбатлашиб ўтирибмиз, — дея каловланди.

Баҳодиржон меҳмонларнинг кимлиги билан қизиқди. Маълум бўлишича, улар ҳам уй эгасига ўхшаб панжара ортидаги ҳаётни кўриб келган қўшни туманлик йигитлар экан. Улар инспекторга қадрдонларининг ҳолидан хабар олиш ниятида келганларини айтишди.

— Икковингиз ҳам назоратда турар экансиз, ҳадемай тонг отади. Ярим тунда бировни безовта қилиш, атрофдагиларда шубҳа уйғотишнинг нима кераги бор? Ахир кундузи келиб, бемалол ўтириб кетишингиз мумкин эдику! Бундай ҳол биринчи марта бўлаётгани учун сизларни огоҳлантириб, бу ҳақда хизмат тақозосига кўра туманингиздаги сиз билан иш олиб борадиган ҳамкасбларга хабар етказишга мажбурман, — деди Баҳодиржон.

Чақирилмаган меҳмонлар шошапиша хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб қолишди...

Қўрғонтепа туманидаги Қўрғонтепа ва Чимён қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудига хизмат кўрсатувчи милиция таянч пункти ходимларининг фаолиятида юқоридаги каби воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Улар ҳудудда осойишталикни таъминлаш, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳисобида турувчи жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар билан иш олиб боришда маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ёрдамига суянадилар.

— Вилоятимиздаги 237 та маҳаллада иш олиб бораётган профилактика нозирлари жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи якуни бўйича ўзлари масъул бўлган ҳудудларда бирорта ҳам жиноят содир этилмагани ҳақида ҳисобот бердилар, — дейди Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Абдуқодир Ибрагимов. — Ходимларимизнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлари туфайли юқори натижаларга эришяпмиз. Президентимизнинг "Жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар вазирлиги профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Энг аввало, милиция таянч пунктларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир бинода жойлашишига аҳамият қаратилди. Бунда уларнинг ҳамкорликда фаолият олиб боришлари учун қулай шароит яратиш назарда тутилган. Айни пайтда вилоятдаги 241 та милиция таянч пункти маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бир бинода жойлашган бўлиб, уларнинг 198 таси замонавий компьютер тўплами билан таъминланган. Милиция таянч пунктларининг 131 тасида спорт майдончалари, 127 тасида кичик бизнес шахобчалари мавжуд, 131 тасида турли тўгараклар фаолият юритяпти. Йил бошидан буён уч юз нафардан ортиқ ёшлар маҳалла идоралари ва гузарлари қошида ташкил этилган кичик бизнес шахобчаларига ишга жойлаштирилди. Икки мингдан ортиқ қишлоқ ёшлари эса спортнинг ўзлари қизиққан тури билан шуғулланмоқда.

Вилоятдаги 857 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 460 нафар профилактика нозири кечаю кундуз сергаклик билан иш олиб боряпти..

— Туман ҳокимлигининг ёрдами билан бизга айни пайтда фермер хўжаликларига айлантирилган собиқ ширкат хўжалиги бошқаруви биноси ажратиб берилди, — дейди Баҳодиржон Ортиқов. — Таянч пунктимизда тўлақонли фаолият олиб боришимиз учун барча шароитлар мавжуд. Ҳозир бино ертўласини таъмирлаб, миллий кураш клубини очиш ҳаракатидамиз. Шунингдек, ҳудудимиздаги фойдаланилмай турган бўш биноларда маиший ва савдо шахобчаларини ташкил этиб, фуқароларни иш билан таъминлаш режамиз ҳам бор.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *Баҳодиржон Ортиқов Ғайрат маҳалласи фаоллари билан.*

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ШАРТИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизнинг бутун ҳудудида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар беради, шунингдек, сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб боради.

Ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи тузилди, округ сайлов комиссиялари ташкил этилди ва уларнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва 8 нафардан кам бўлмаган комиссия аъзоларидан иборат шахсий таркиби тасдиқланди ва маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Айни вақтда ушбу комиссиялар ўз фаолиятини амалга оширишга киришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиялари таркиби миллий сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсиясига биноан жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, партиясизлар ҳисобидан шакллантирилди. Бу уларнинг иш фаолиятида холисликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш тартиби ҳақида семинар-кенгаш иштирокчиларига атрофлича маълумот берилди.

Қонунга ва Марказий сайлов комиссиясининг календарь режасига биноан округ сайлов комиссиялари сайлов участкаларини ташкил этди. Энди 13 ноябргача улар халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг бевосита иштирокида участка сайлов комиссияларини шакллантиришлари лозим.

Сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш борасидаги ишларни очиқ ва ошкора амалга ошириши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Зотан, ошкоралик ва адолат устувор бўлган жамиятдагина сайловлар чинакам демократик тамойиллар асосида, миллий қонунчилик доирасида ва жаҳон андозаларига мос равишда ўтади. Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлиги билан боғлиқ воқеликни холис ва ҳозиржавоблик билан ёритиб бориши тақозо этилади. Бу борада уларга Марказий сайлов комиссияси катта ёрдам беради.

Семинар иштирокчилари Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида бўлиб, бу ерда журналистлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Марказнинг конференц-зали ва хоналари замонавий мебель, компьютер техникаси, телефон, факс ва нусха кўчириш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари тегишли маълумотларни зудлик билан олиши, шунингдек, тайёрлаши ва Интернет тармоғи орқали узатиши учун зарур шарт-шароит муҳайё этилган.

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази раҳбари Б.Алимов йиғилганларга сайлов кампаниясининг очиқлик, ошкоралик ҳамда транспарентлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш, округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари фаолиятини ташкил этиш каби масалалар юзасидан амалий тавсия ва тушунчалар берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тайёрланган қўлланмалар тарқатилди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ҳудудидаги сайлов участкаларидан бирида бўлиб, сайловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар.

Ғулом МИРЗАЕВ, ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

Замонавий қулайлик

"БАҲОРА"нинг ИШИ САХОВАТдан бошланди

Яқинда Жиззах шаҳри марказидаги Тошлоқ ва Алишер Навоий номли маҳаллалар туташган жойда 500 нафар кишига хизмат кўрсатадиган "Баҳора" тантаналар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Мазкур мажмуа маҳаллий тадбиркор Муҳаббат Қулматова ва унинг ака-укалари сармояси ҳисобига бунёд этилди.

"Баҳора"нинг очилиш маросими катта тантанага айланди. Шу куни мажмуа эгалари ҳомийлигида дастурхон ёзилиб, тўрт нафар ёшнинг никоҳ тўйи ҳамда 29-сонли "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ва 8 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир тўй боланинг номига банкда ҳисоб рақами очилиб, унга маблағ қўйилди. Эл ардоғидаги санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар кеча қатнашчиларининг дилини янада хушнуд этди.

А.ҚАРШИЕВ

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ — МАҲАЛЛАНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани, жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар муваффақиятлар омили бўлмоқда. Айни шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 2006 йили уч мингга яқин, жорий йилда қарийб тўрт минг маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Масалан, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний номидаги маҳаллада фаоллар ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яртилган. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун махсус ўқув курслари, кичик бизнес шохобчалари мунтазам ишлаб турибди. Шунинг учун маҳалладан соғлом муҳит, аҳиллик ва қут-барака аримаяпти. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир. Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" танловида биринчи ўринни қўлга киритди.

Профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ўзаро алоқалари тобора мустаҳкамланаётгани жиноятчиликнинг олдини олишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳити мустаҳкам жойда тинчлик ва осойишталик ҳамиша барқарордир.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.

Тошкент вилояти



Бекобод тумани ИИБ ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори Абдумажид Самадов тумандаги А.Мирзаев номли маҳалла оқсоқоли Қурбон Тошпўлатов ва профилактика нозири Бахтиёр Мусаев билан ҳудудда осойишталикни сақлашга қаратилган тадбирлар режасини тузмоқда. Бунда уларга «Mahalla» ҳар доимгидек яхши маслаҳатгўйдир.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

Ғамхўрлик

Тошкент вилояти

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, келин-куёвларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда фарзандларини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбиялашга интилиш ҳиссини кучайтириш муҳим вазифалардан бири.

КЕЛИН-КУЁВ ТАДБИРГА КЕЛДИ

Яқинда шу мақсадда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорлигида "Оила — жамият таянчи" мавзусида ўтказилган тадбирда шу масалалар хусусида сўз юритилди.

Тадбирга 150 жуфт ёш келин-куёв таклиф этилди. Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши раиси Ш.Қўчқоров, "Ипотека банк"нинг вилоят филиали бошқаруви раиси М.Эрматов, Республика "Оила" маркази раҳбари В.Каримова ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакили Қ.Турсуновлар сўзга чиқиб, оила муқаддаслиги, Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти, ислом динида оиланинг қадрланиши каби мавзуларда фикр юритишди.

Тадбирнинг бадиий қисмида Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат уюштириш режалаштирилган эди. Шунга кўра, ёш келин-куёвлар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Ҳазрати Имом мажмуаси ва Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлиб, "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Саёҳат давомида ёш келин-куёвлар Муқимий номидаги мусиқали драма театрида спектакль томоша қилишди.

МУХБИРИМИЗ

Мулк эгаси ким?

Тошкент шаҳри

ИНТИЗОМЛИ ИСТЕЪМОЛЧИлар

намунали хизмат кўрсатиб келаётган ХУМШ мулкдорларини ана шундай эътироф этиш мумкин

Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори коммунал тизимда ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада биз аввалари "ЖЭК" деб аташга одатланган ташкилот бугунги кунга келиб хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУМШ)га айлантирилди. Энг аҳамиятли жиҳати, ташкилот номининг ўзгариши унинг фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирди ва бу ўз навбатида хусусий мулкдорлар учун кенг имкониятлар яратди.

Юнусобод туманидаги "Олтинмерос" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати пойтахтимизда ташкил этилган дастлабки ХУМШлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда у туманнинг Дўстлик маҳалласи ҳудудидаги 3 та кўпқаватли уйга хизмат кўрсатади. Уй-жой мулкдорлари Лариса Привалова ишонч билдириб, уни ширкат бошқаруви раиси этиб сайлашган эди. Мана, бир неча йилдирки, у зиммасига юклатилган вазифани намунали уддалаб келмоқда.

Маҳалла ҳудуди обод ва кўркам. Ҳар бир уй олдида дам олиш учун ўриндиқлар ва болалар майдончаси мавжуд. Йўлакларга темир эшиклар ўрнатилган. Энг аҳамиятлиси, маҳаллада фуқароларнинг коммунал тўловлардан қарздорлиги билан боғлиқ муаммолар деярли учрамайди. Агарда ана шундай ҳолат юзага келса, ширкат ходимлари ва маҳалла мутасаддилари томонидан бу ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилади.

— Яқинда бир маҳалладошимизнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтиб, уч фарзанди билан ночор аҳволда қолди, — дейди Лариса опа. — Кенжа фарзанди ҳали бир ёшга ҳам тўлмаганлиги сабабли ишлашга имконияти йўқ эди. Шу боис биз Дўстлик маҳалласи оқсоқоли Аҳаджон Шокиров билан маслаҳатлашиб, ўша аёлнинг коммунал тўловлар бўйича мавжуд бўлган қарздорлигини ҳомийлар ҳисобидан қопладик. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим жоизки, фаолиятимизда уйма-уй юриб, фуқароларга коммунал тўловлардан қарздорлигини эслатиш каби ҳолатлар деярли бўлмаган. Аксинча, хусусий мулк эгаларининг аксарияти ихтиёрий равишда ширкатимизга келиб, коммунал тўловларни олдиндан ёки ўз вақтида тўлаб кетишади. Зеро, аҳоли ўртасида ўз вақтида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда ширкатимизнинг намунали фаолияти ушбу ютуқларга асос бўлмоқда.

Наргис БЕРДИБОЕВА, "Mahalla" мухбири.

Хазон тутуни етти маҳаллани тутмасин!

Куни кеча дарахт шохларида яшиллиги билан кўзларимизни қувнатган яроқлар бугун қахрабо тусга кириб, мисли гиламдек оёқларимиз остига тўшалмоқда. Аммо кўча ва ҳовлиларимизни хазонлардан тозалаш оддий, шу билан бирга эътибор талаб қиладиган юмуш эканми, унда ҳам маълум қонда ва меёрларга амал қилиш лозимлигини биламизми?

Айни хазонрезги фаслида нафасни бўғувчи аччиқ тутун тез-тез димоғимизга урилади. Яъни келинлар ва опа-сингилларимиз ёки кўчаларимиз саришталигига масъул бўлган фаррошлардан қайси биридир хазонларни йиғиштириб олишга эриниб, ёқиш йўли билан улардан осонгина қутулмоқчи бўладилар. Лекин бундай йўл билан ўзимиз ва яқинларимизни, атрофдаги одамларни не-не кўнгилсизликларга дучор қилаётганимиз афсуски, шу дамда хаёлимизга келмайди. Аслида хазон ёнганда чиқадиган заҳарли газлар атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига қанчалар зарар етказишини кўпчилигимиз билсак-да, "Мен ёқмаганим билан ҳаво тоза бўлиб қолармиди" ёки "Бошқалар ҳам шундай қилишяптику, менга нима" қабилида иш тутамиз. Кошки, хазон гув этиб ёнса-ю ўчиб кўя қолса. Бир уюм хазон бир неча соат, ҳатто бир-икки кун мобайнида бурқсиб, тутаб ётаверади, унинг ачимсиқ тутуни эса етти маҳаллани тутади. Баъзилар назарида бир уюм хазоннинг ёқилиши оқибатида табиатга етказилаётган зарар арзимасдек туюлиши мумкин. Бироқ вилоят, мамлакат, минтақа ёки дунё миқёсида олиб қаралса, бу зарарнинг кўлами анча катта экани аён бўлади. Шифокорлар ҳавонинг меъёрдан ортиқ даражада ифлосланиши оқибатида бронхиал астма, аллергия, юқори нафас йўли касалликларининг сони ортиб бораётгани, бу ҳол айниқса, хазонрезги даврида авж олишини таъкидлайдилар. Хазонга гугурт чақишдан аввал унинг заҳарли тутунидан шу касалликлар билан оғриган ёки уларга мойиллиги бўлган кишилар озор чекиши мумкинлигини ҳам ўйлаб кўришимиз керак.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли саломатлиги атроф-муҳитга 20-40 фоиз, генетик кўрсаткичларга 15-20 фоиз, ҳаёт тарзига 10 фоиз, касб турига 5 фоиз боғлиқ экан. Дарҳақиқат, бу маълумотлар атроф-муҳит мусаффолиги инсон ҳаётида бошқа омилларга нисбатан муҳим ўрин тутишини тасдиқлайди.

Умуман олганда, хазонни ёққанимиз энг аввало ўзимиз, саломатлигимиз учун қанчалик зарарли экани ҳақида бот-бот гапирилади, огоҳлантирилади. Лекин маҳаллаларимизда, кўпқаватли уйларнинг ҳовлиларида хазон ёқилган ҳолатларга гувоҳ бўлаверамиз. Бировга "Хазонни ёқманг, ҳавони булғаманг!" десангиз, "Кўчамиз ивирсиб ётгандан кўра, шуниси тузукмасми?" деб ажабланишади ҳам. Сариштали яхши, албатта! Аммо бу сариштали саломатлигимизни бой бериш эвазига бўлмаслиги керак!..

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Эшитмадим, деманглар...

ЗИЙРАК БЎЛСАК, ЗИЁН КЎРМАЙМИЗ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган ёнғин сабаблари таҳлилига кўра, бу табиий офат асосан электр ускуналари, иситиш печлари ва оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида келиб чиққани маълум бўлди.

Шу вақтга қадар Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёнғиннинг олдини олиш борасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг кўлами кенг бўлишига қарамай, жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид хатти-ҳаракатлар, жумладан, оддий эҳтиёткорлик шартларига риоя қилмаслик ҳоллари кузатиляпти. Оқибатда халқ хўжалиги масканларида, айниқса, аҳоли турар жойларида турли даражадаги ёнғинлар содир бўлмоқда.

Албатта, ёнғин хавфсизлиги хизматининг малакали ва тажрибали ходимлар, шунингдек, харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмларининг хориждан келтирилган замонавий ёнғин ўчириш автомашиналари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари ҳамда махсус ихтисослик анжомлари билан таъминлангани таҳсинга лойиқ. Бунинг натижаси ўлароқ, жорий йилда содир бўлган ёнғинлар миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 фоизга камайган.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида қишки мавсумга ҳозирлик ишлари қизғин. Шу боис ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотларда, айниқса, мактаб, боғча, Меҳрибонлик уйлари ҳамда бошқа бир қанча ўқув муассасаларида ёнғин содир бўлишининг олдини олиш, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, газ ва электр энергияси тармоқларидан ноқонуний фойдаланишга чек қўйиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Бу борада биз билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган маҳаллалар ходимлари ва фаоллари кўмаги кўл келяпти.

Даврон ҚАМБАРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходими, капитан.

Жиззах вилояти

Ер эгаси ютуғи

Дўстлик туманида "Эшниёз бобо" фермер хўжалигини ташкил этиб, иш бошлаганимизга ўн йилдан ошди. Албатта, ишлар бирданига силлиқ кетмади, дастлабки йиллар қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Бироқ давлатимиз томонидан ер эгаларига кўрсатилган қатор қулайлик ва ғамхўрликлар туфайли тезда ўзимизни тиклаб олдик. Бугун эса қўлга киритган ютуқларимиз фахрланишга арзийди.

Заминга берсанг меҳр...

у ҳам сени ризқу барака билан сийлайди

Хўжалигимиз пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, ихтиёримиздаги умумий ер майдони 246 гектарни ташкил этади. Ҳар йили давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартномавий режаларни ортиғи билан бажариб келмоқдамиз. Даромадимиз ҳам меҳнатимизга яраша бўляпти. Фермер хўжалигимиз иккита ҳайдов, тўртта чопиқ ва юк ташиш тракторлари, тиркамалар, комбайн ва бошқа зарур техника воситаларига эга. Иш тақсимоти, ҳисоб-китоб ишлари қатъий йўлга қўйилган. Жамоамизнинг 80 нафар ишчиси меҳнат унумдорлиги ва сифатига қараб ўз вақтида ҳақ олади. Ишда ўрнак кўрсатганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилади.

Жорий йилда 97 гектар ерга ғалла экиб, давлатга ғалла сотиш бўйича шартномавий режани ортиғи билан уддаладик. Ишчиларга ярим тоннадан бир тоннагача буғдой тарқатилди. Бундан ташқари, маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга ҳам баҳолиқудрат ёрдам бериб келяпмиз.

Бу йил яхши ният билан эртапишар, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган "АН—Боёвут" навли чигит экдик. Агротехник қоидаларга амал қилингани ва парвариш яхши бўлгани учун пахтамизнинг ҳосили юқори бўлди.

Энг ҳаяжонли воқеа шу йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтди. Яъни Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиш мақсадида шу йилнинг 27 сентябрь куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларига қилган ташрифи доирасида бизнинг далаларимизда ҳам бўлиб, ишларимизга юқори баҳо берди. Биринчи теримнинг ўзиданоқ шартномавий режани бажарганимиз билан қутлаб, ер эгаларини ўйлантираётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида ўртоқлашдилар ва бу борада бизнинг фикрларимиз қандай экани билан қизиқдилар. Бундай самимий суҳбат ва эътибор бизга куч-ғайрат, шижоат бағишлади.

Айни пайтда келгуси йил ҳосили учун ҳаракатларни бошлаб юборганмиз. Майсаси бир текис униб чиққан кузги ғалла майдонларимизни суғоришга киришдик. Ғалдаги вазифамиз ҳосили йиғиштириб олинган пахта майдонларини шудгорлаш бўлади.

Мен фермер сифатида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайман. Фермер бугун нима учун тер тўкаётганини яхши билади, серқуёш заминда яшаётганидан, Ватан равнақи йўлида меҳнат қилаётганидан фахрланади, десам асло муболаға бўлмайди.

Муртоз БЎТАЕВ,
"Эшниёз бобо" фермер хўжалиги раиси.

Бугуннинг гапи

Бир бўлак нон — бутун насиба

ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Абу Али Ибн Синодан сўрашибди:

— Қандай қилиб кексаликнинг олдини олиш мумкин?

— Бунинг учун ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланиш, сўнгра яхши кайфият ва хушчақчақлик билан бир дона хубзун тандурайни совуқ сувга ботириб истеъмол қилиш, асалари билан ошно бўлиш лозим. Бунинг маъноси шуки, эрталабки машқдан кейин қайроқи буғдой унидан ёпилган нонни тандирдан узилган заҳоти совуқ сувга ботириб ейиш, устидан бир қошиқ тоғ асалини бир пиёла сувга аралаштириб ичмоқдир, — деб жавоб берган экан аллома.

Кўпни кўрган момоларимиз ҳикояларини тинглаб, халқ табобатидаги нон билан даволаш усулларидан бохабар бўлиб, унинг бебаҳо неъмат эканига амин бўлишимиз мумкин:

— милклар қочиб, тишлар қимирлай бошласа, қотган нон чайнатилган;

— сариқ касал билан оғриган беморларга анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон беришган;

— ич бузилганда кунига уч маҳал қаттиқ нон едирилиб, сўнг қатиқ ичирилган;

— қанд касали билан оғриган беморларга парҳез сифатида кепакдан тайёрланган нон берилган;

— илик узилди, яъни эрта баҳор пайтида турли-туман гиёҳлар қўшиб ёпилган нон, кўкпатир истеъмол қилинган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, нон тенги йўқ неъмат. Шундай экан, ҳар биримиз уни қадрлашимиз, исроф қилмаслигимиз керак. Бу ҳақда ёшларимизга ўрнак кўрсатмоғимиз, уларга нонни эъзозлаш зарурлигини қайта-қайта уқтирмоғимиз лозим.

АФСОНАГА АЙЛАНГАН КУНЛАР

Иккинчи жаҳон уруши тугаган йиллар. Дўконлар олдида нон учун навбатга турганларнинг кети кўринмасди. Ўшандай қийинчилик пайтларда ҳам мактабларда имтиҳонлар қизғин борар эди.

Синфдошим Иззатулла билан кўкрагимизни ерга бериб, математика фанидан синовларга тайёргарлик кўраётган эдик. Вақт пешиндан ошса ҳамки, тушлик тугул нонушта қилмагандик. Қорин сурнай чалиб турганда, мияга ҳеч вақо кирмас экан. Ҳатто оддийгина мисол устида ҳам икки, уч соат бош қотиришимизга тўғри келарди.

— Оғайни, қорним жуда очди. Опангга қара-чи, нон олиб келмадимикан?

— Нон олиб келсалар, дарҳол хабар бер, деб укамга тайинлаганман. Яна бироз чидайлик.

Ширин хаёл суриб, осмонга қараб ётсак, уй шифтига яшириб қўйилган нарсага кўзимиз тушди. "Бахтимизга нон бўлса-я", деб шошилганча оёқ остига курси қўйиб, тугунчани олдик. Ҳақиқатан бир бўлаккина нон экан. Қотиб, кўкариб кетган нонни сувга солиб, бироз ивитдик ва иккига тақсимлаб, маза қилиб еб олдик. "Арғамчига қил қувват" деганларидек, танимизга бироз мадор кириб, яна дарс тайёрлашга киришдик.

Ҳозир бу ҳақда набираларимга сўзлаб берсам, "афсонани қўйсангиз-чи, бобо" дейишади. Ҳа, биз кўрган даҳшатли кунлар афсона бўлиб қолаверсин.

МАШОҚ ТЕРГАН ҚАМОҚҚА ...

Яратганга шукр, бугун тиланчининг ҳам қорни тўқ. Улар кунлари ўтмагани учун эмас, "тарки одат" деб тўрва осадилар. Бундай "замонавий" тиланчилар манзилга таксида бориб, тўрва тўлдириб қайтаётганликларини уйдагиларига "сотка" орқали хабар қиладилар. Нима ҳам дердик, "ҳар замонда бир замон" экан-да. Энг муҳими, "Ҳар тўқликнинг бир шўхлиги бор" деганларидек, одамзот озгина серобчилик кўргач, кечаги кунини унутиб қўймасин.

Шундоқкина уйимиз рўпарасидаги далаларда ғалла экиларди. Ғалла ўриб олиниши биланоқ болалар қўлларига челак олиб, тўкилган, битта-яримта қолиб кетган бошоқларни теришга шошилишарди. Онам "машоқ териб кел, болам, ҳарна терганинг, ёрғичоқда тортиб, қотирма пишириб бераман" деганларида, мактаб халтамни ирғитиб, далага отланардим. Бир куни ўртоғим билан эндигина икки-уч ҳовуч бошоқ терган эдик. Отлиқ бир киши келиб, челагимизни тортиб олди ва қамчи билан савалаб, колхоз идораси томон ҳайдади. Милиционер келиб, бизни худди жиноятчилардек олиб кетди. Савол-жавоб шунчалик кўп бўлдики, қарийб халқ душманига айландик. Оналаримизнинг ялиниб-ёлвориши, мактаб директоримизнинг кафолат хати ҳам бизни уч кунлик қамоқдан қутқариб қололмади.

КИМ ЭЛ ҒАМИДА-Ю, КИМ ПУЛ ҒАМИДА

Тунов куни икки чолнинг қизғин гурунги устидан чиқиб қолдим.

— Баъзилар нон танқислиги сезиляпти, деб нолишади, — дерди Азамат бува. — Бозорларимизни қаранг, тўкинчиликдан, нонларнинг хилма-хиллигидан кўзингиз қамашади.

— Ҳа, орамизда ношукр бандалар онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Худога шукр, халқимиз тўқ, омборимизда донимиз етарли. Лекин тунов куни баъзи гапларни эшитиб, дилим оғриди.

— Нима экан, бахайрликми?

— Набирам солиқ идорасида ишлайди. Улар текшириш ўтказган чоғларида баъзи ноинсоф кишиларнинг халқимиз насибаси бўлган унни қўшни республикаларга олиб бориб, қимматга сотаётганликларини аниқлашибди. Ким эл ғамидаю, ким пул ғамида, деб шуни айтсалар керак-да. Яккабоғлик Шавкат деган тадбиркор эса давлатдан қандолат маҳсулотлари тайёрлаш учун олган 12,7 тонна унни пуллаб юборибди. Тумандаги "Азизбек", "Дилбарбону", "Қори Саодат бобо", "Тезоб" хусусий савдо дўконларида 1700 килограмм ун яшириб қўйилган экан.

— Қонунбузарлар жазоланибдими, ишқилиб?

— Албатта, солиқчилар сентябрь ойида ўтказган текширишлари давомида 60 та ана шундай қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаб, чора кўриш учун тегишли идораларга маълум қилишибди...

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

"МЕНГА ПУЛ БЕР"

АҚШдаги банклардан бирига қора кўзойнакли, қалпоқли куртка билан чарм қўлқоп кийиб олган кимса кириб, ғазначига "менга пул бер" деб ёзилган карточкани узатди.

Зийрак ғазначи ҳам саросимага тушмай, ўғрида пулни солиш учун сумка ёки пакет бор-йўқлигини сўради. Кутилмаганда бундай саволни эшитиб, довдираб қолган ўғри пулни олмасдан банкдан югуриб чиқиб кетди.

Ғазначининг саволи ўринли эди. Ахир, шунча пулни қўлида кўтариб кетиш ўғрининг ўзи учун ҳам ноқулай-да.

КЎЗИ ОЖИЗ ҲАЙДОВЧИ

Эстониянинг Тарту шаҳрида йўл патруль хизмати ходимлари йўл ҳаракати қоидаларига зид равишда ҳаракатланаётган "Ауди" русумли автомашинани тўхтатишди.

Ҳужжатларни текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, машинани бошқараётган 20 ёшли йигитнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган. Устига-устак, унинг кўзи ҳам ожиз экан. Ҳайдовчига автомашинани қайси томонга ҳайдаш лозимлиги ҳақида эса ёнидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ маст йўловчи кўрсатма бериб турган. Полиция ходимлари мазкур ҳолат юзасидан қоидабузар ҳайдовчига нисбатан маъмурий иш қўзғатишган.

Тошкент шаҳри

Байрам сайли: "АССАЛОМ, ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЛТИН ФАСЛИ!"

Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида шундай ном остида қадимий, миллий ва анъанавий "Меҳржон" байрам сайли ўтказилди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин Мерос" хайрия жамғармаси, Республика "Нуроний" ҳамда "Меҳр-мурувват ва саломатлик" жамғармалари, Республика "Тасвирий ойина" уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маданият ва истироҳат боғи ҳудудида куз неъматлари бўлган полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари савдо-ярмаркалари ҳамда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган қандолатчилик ва нон маҳсулотлари, миллий таомлар кўргазмаси ташкил қилинди. Шунингдек, халқ амалий санъати усталари ва ҳунармандларнинг ижодий ишлари ҳамда Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими томонидан тайёрланган болалар халқ ижодиёти намуналари намойиш этилди. Тадбир давомида энг ширин полиз экинлари ва меваларнинг "Ширинаки" танлови бўлиб ўтди.

Байрам сайлига ташриф буюрган меҳмонларни халқ артистлари, таниқли қизиқчи ва эстрада хонандалари, Озарбайжон ва Корейс миллий маданият марказларининг хонанда ва раққосалари ҳамда республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз концерт дастурлари билан хушнуд этишди.

Тадбир сўнгида фаол иштирокчилар байрам ташкилотчиларининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

Бир йигин фаолияти

Қорақалпоғистон Республикаси

Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар Қорақалпоғистондаги фуқаролар йиғинлари фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Бу ҳақда Қўнғирот шаҳридаги Қумбуз маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли Ирежеп Утепов шундай дейди:

ҚЎНҒИРОТнинг ҚУМБУЗИ

қисқа даврда обод маҳаллага айланди

— Сўнгги йилларда маҳалламиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бундан 16-20 йил олдин ушбу ҳудуд қаровсиз, нотекис кўчалардан иборат аҳоли яшаш пункти эди. Қисқа фурсатда маҳалла аҳолисининг ташаббуси билан ҳудудда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирда 3 та умумтаълим мактабида маҳалла болаларига таълим-тарбия берилаётган бўлса, оилавий поликлиника ва 3 та савдо дўкони маҳалладошлар хизматида.

Маҳалламизда кам таъминланган ва эҳтиёжманд фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. — Жумладан, кам таъминланган оилаларга жорий Ижтимоий ҳимоя йилининг ҳар чорагида 90 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди, 7 нафар фуқаронинг имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашдик.

Маҳалла мутасаддиларининг эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш ёки йиғинда маданий-маърифий ва байрам тадбирларини ташкил этиш каби эзгу ишларига бир қатор саховатпеша инсонлар ҳам бош қўшишмоқда. Хусусан, яқинда Рамазон Ҳайити муносабати билан Ж.Ўрозбеков, М.Отамуродов, Н.Сатуллаевлар ҳомийлигида хайрия дастурхони ёзилиб, 20 нафар эҳтиёжманд фуқарога совғалар улашилди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Қилмиш — қидирмиш

Андижон вилояти

Фош бўлган «фаолият»

ноқонуний йўл билан даромад топганлар жазога тортилди

Деярли ҳар йили қиш мавсумида таъминотчи идораларга Пахтаобод туманидаги Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисидан маиший таъминотдаги узилишлар юзасидан шикоятлар келиб тушарди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти туман бўлими ходимлари томонидан "Андижонгазтаъминот"нинг тумандаги шўъба корхонаси мутахассислари билан ҳамкорликда мазкур маҳаллада ўтказилган рейд натижалари ушбу муаммога бироз ойдинлик киритди.

Рейд давомида аниқланишича, Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Ғайратжон Мухторов табиий газ тармоғига ноқонуний равишда уланиб, ўзи яшаб келаётган ҳовлидаги хумдонда оҳак ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Олган даромадидан эса ҳеч қандай солиқ тўламаган. Унинг хонадонини кўздан кечириш чоғида 600 килограмм оҳак ва ўн метр узунликдаги полиэтилен қувур ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Қонунбузарга газдан ноқонуний равишда фойдаланганги учун 1 миллион 89 минг 850 сўм миқдорида жарима белгиланди.

Қовун қовундан тус олар, деганларидек, ана шу маҳаллада яшовчи Ҳаётбек Бекибоев ҳам ўн метр полиэтилен қувурни ерга кўмиб, яширинча газ тармоғига уланган ва ҳовлисидаги қўлбола хумдонда оҳак тайёрлаш билан шуғулланган. Бироқ ўтказилган рейд давомида унинг фаолиятига ҳам чек қўйилди ҳамда сотишга тайёрлаб қўйилган 700 килограмм миқдоридаги оҳак, етти тонна оҳак ишлаб чиқаришга етадиган хомашё олиб қўйилди. Ўғринча сарфланган газ учун эса 2 миллион 179 минг 699 сўм жарима ундириб олинди.

Рейд иштирокчилари Нозимжон Эргашевнинг ҳам ноқонуний фаолият олиб бораётганини аниқлашди. У ҳам ноқонуний йўл билан топаётган даромадини чўнтакка уравергану, аммо ишлатилган табиий газ учун ҳақ тўлашни "унутиб қўйган". Натижада қонунбузар 6 миллион 539 минг 98 сўм миқдорида жаримага тортилди. Унинг хонадонидан эса 5000 килограмм оҳак, саккиз минг килограмм харсанг тош ва эллик метр узунликдаги полиэтилен қувур ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

— Бизнинг вазифамиз юртимизда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларга қарши курашишдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Пахтаобод тумани бўлими бошлиғи Муталлибжон Каримов. — Агар Янги ҳаёт маҳалласидаги "тадбиркор"лар фаолиятини қонуний тарзда ташкил этиб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтиб, солиқларни ва газдан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида тўлаб туришганида, уларнинг фаолиятига ҳеч ким тўсқинлик қилмасди. Айни пайтда эса уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шер АЛИ

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

Қариндошлар ёки гувоҳлар иштирокида тузилган, аммо нотариал тасдиқдан ўтмаган васиятнома қонуний кучга эга бўладими?



Жавоб:

Қуйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузиб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган васиятномаларга нисбатан нотариал тасдиқланган васиятномалар сифатида қаралади ва қоидалар қўлланилади, васиятномани нотариал тасдиқлаш тўғрисидаги талаб бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддаси.

Ажабо!..

ФИРЪАВН АРАВАДАН ЙИҚИЛГАН

Эрамиздан аввалги 1333-1324 йилларда қадимги Мисрда ҳукмдорлик қилган фиръавн Тутанхамоннинг бевақт ўлимига ов пайти юз берган ҳалокат сабаб бўлган, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Британиялик олимлар ёш фиръавн аравадан йиқилиб тушганини аниқладилар. Тутанхамоннинг сирли ўлими ҳақида бир неча асрлар давомида турли тахминлар айтиб келинаётган эди.

Хабарларга қараганда, фиръавннинг мўмиёланган жасади тиббий сканер ёрдамида текширилган ва ўлимидан аввал унинг тиззаси синиб, кейин қони заҳарланган аниқланган. Мутахассисларнинг тахминича, ҳалокатга аравانинг юқори тезликда юрганлиги сабаб бўлган. Тутанхамон жуда оғир жароҳатланган экан.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Лондонда «Тутанхамон хазинаси» мавзуидаги кўргазма очилиши кутилмоқда. Унда фиръавн ҳаётига оид сўнгги маълумотлар акс этган ҳужжатли фильм ҳам намойиш қилинади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ёш фиръавн ҳаётига қизиқиш катта. Лондонда 1972 йилда Тутанхамонга бағишлаб ўтказилган кўргазмага унинг олтин ниқобини кўриш учун турли давлатлардан бир ярим миллион киши ташриф буюрган эди. Хабарларга қараганда, бу сафар мазкур ноёб ёдгорлик экспозициялар қаторидан жой олмайди. Экспертларнинг таъкидлашича, бунинг боиси ниқобнинг анча мўртлашиб қолганидадир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

«Тафаккур» гулшанидан

Ориф Шаҳзода

Тарихда ўчмас из қолдирган темурийлар сулоласига мансуб шоҳ, амир ва бекларнинг аксарияти бадиий ижод ёки илм билан шуғулланган. Забардаст олим, қилқалам хаттот, бир неча тилни билувчи мутаржим, нозиктаъб шоир Дорошукуҳ ҳам ана шундай фазилат соҳиби бўлган.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

1615 йили бобурийлар авлодига мансуб Шоҳ Жаҳон хонадонида туғилган гўдакка она томонидан бобо бўлган асли теҳронлик давлат арбоби ва олим Осафхон Султони Дорошукуҳ деб исм қўяди. Фарзанди тарбиясини отаси алоҳида назоратга олгани сабабли Дорошукуҳ ёшлигидаёқ араб, форс, санскрит тилларини пухта ўрганади; ислом, тасаввуф ва фалсафа таълимотлари билан танишади. Дорошукуҳ ислом тарихи, қадимги ҳинд фалсафаси, тасаввуфнинг қодирия ва чештия тариқатлари тарихини ўрганишга киришади. Бу йўлда унга бобоси Ғиёсиддин Муҳаммад Осафхон яқиндан ёрдам беради. Олим ва тасаввуф билимдони бўлиб етишишида Сармади Кошони, Муллаабдуллатиф Султонпур, Шайх Муҳаммад бинни Фазлуллоҳ, Шайх Аҳмад Кобулий, Сарҳиндий ва Мирак Шайх Фазлуддиннинг ҳиссаси катта бўлган. Дорошукуҳ давлат ишларига ва ҳарбий ҳунарларга қизиқмаса ҳам отаси унга Оллоҳобод, Панжоб ҳамда Мўлтон вилоятларини бошқаришни топширади.

Шунга қарамай Дорошукуҳ илмий ва бадиий ижодга алоҳида эътибор қаратади. Ҳиндистонда илмий таржима мактабига асос солади; ўнлаб асарларни аслиятдан форс тилига ўгиради. 1657 йили Шоҳ Жаҳоннинг соғлиги ёмонлашгач, Дорошукуҳни ўзига валиаҳд қилиб тайинлайди. Бундан норози бўлган Аврангзеб исён кўтариб, отасини уй ичига банди этади. Аврангзебнинг қутқуси билан сарой тарихчиси Мустаидхон ва уламолар Дорошукуҳга "диндан қайтди" деб ифво уюштиради. Фитначиларга мағлуб бўлган Дорошукуҳ Эронга ўтиб кетиш мақсадида Қандаҳорга йўл олади. Бироқ Аҳмадободда Саидаҳмад Бухорий, Гулмуҳаммад, Малик Жейвун, Бахтиёрхон сингари исёнчилар тарафига ўтиб кетган кимсалар Дорошукуҳнинг қўл-оёғини боғлаб, Қўҳна Деҳлининг Хизробод қалъасига олиб келади. Йўлда Дорошукуҳни севган халқ фитначи сарбозларни бозор атрофида тошбўрон қилади. Натижада уларнинг бир нечаси ўлади, баъзилари ярадор бўлади. Бундан ғазабга минган фитначилар уламолардан Дорошукуҳни қатл этиш ҳақида фатво олади. Шундан сўнг Малик Жейвун шаҳзоданинг ҳанжар билан кесилган бошини туҳфа сифатида Аврангзебга юборади. Аврангзеб эса уни лаганга солиб, уй қамоғида бўлган отаси Шоҳ Жаҳонга кўрсатади. Шу тариқа истеъдодли олим ҳамда ижодкор шаҳзода тож-тахт ва фитна қурбони бўлади.

Дорошукуҳ ижодий меросининг каттагина қисмини тасаввуф тарихи, муайян авлиёлар ҳаёти ва ижодий мероси таҳлили, ислом дини тарихи, Ҳиндистондаги турли мазҳабларга бағишланган асарлар, таржималар ташкил этади. У Банорас донишмандлари ёрдамида қадимги ҳинд эпоси "Йога — виҳиштий"ни форс тилига ўгирган.

Дорошукуҳ қилқалам хаттот бўлган. У хаттотлик сирларини Мир Имод Ҳушнависдан ўрганган ва бу соҳада ҳам баракали ижод қилган. У кўчирган китобларнинг турли нусхалари Шарқнинг машҳур кутубхоналарида жамланган. Манбаларда Дорошукуҳнинг хаттотлик назарияси ва амалиётига доир рисола ёзгани ҳақида маълумотлар бор.

1. *"Ҳикмати Арасту"* — Ҳайдароблоднинг "Осафия" кутубхонасида.
2. Қуръоннинг *"насҳ"* хатида оҳу терисига кўчирилган нусхаси — Ҳайдароблоднинг "Азизбоғ" кутубхонасида.
3. *Қуръони мажиддан бош сура: "насталиқ"да кўчирилган. Оятлар олтин сувида ёзилган* — Калкуттадаги Ёдбуди Якатурё толорида.
4. *"Рисолаи даҳ панди Арасту"* асари ҳам мазкур толордан жой олган.
5. *"Маснавий Султон Валад"* — Банголадаги Анжумани Осиё кутубхонасида.
6. *Ҳофиз ғазаллари ва Жомий рубоийлари* — Деҳлидаги Қалъаи Сурх музейида.

Дорошукуҳ — Мумтозмаҳал (Дорошукуҳнинг онаси) — Шоҳжаҳон (Дорошукуҳнинг отаси)

7. *Низомий "Хамса"си. "Насталиқ"да кўчирилган. Уни Дорошукуҳ яқин дўсти ва маслакдоши Муҳаммад Муқим Жавҳарийга ҳадя қилган* — Ҳиндистондаги Девон кутубхонасида.
8. *"Сафанат ул-авлиё" "насҳ" ва "насталиқ"дан кўчирилган* — Бонгпур кутубхонасида.

Дорошукуҳ хушнавис хаттот, маҳоратли лаввоҳ бўлиш билан бирга, диди баланд наққош ҳам бўлган. Ўзи бино этган Қалъаи Сурх кутубхонасида унинг бу соҳадаги ижодига доир бир қанча асарлар мавжуд. Улардан бири машҳур мураққаъ альбомдир. Тасвирий санъат сирларини нозик тушунган Дорошукуҳ бир неча йил давомида Хуросон, Мовороуннаҳр ва ҳинд миниатюра санъатининг нодир намуналарини йиғиб, алоҳида саҳифаларга жойлаб, турли нақшу нигорлар билан зийнатлайди. Ҳар бирининг ҳошиясига олий навдаги "насталиқ" билан поварақлар ёзади ва чармдан муқовалатиб, севимли хотини Каримуннисо — Нодирабегимга ҳадя этади. Муқова тикма — терма сирач усулида тайёрланган бўлиб, олтин суви югуртирилган. Мана, тўрт асрдирки, бу мураққаъ санъатшунослар томонидан беназир бир мўъжиза, муаллифнинг буюк бир кашфиёти сифатида баҳоланиб келаётир. Инглиз олими Перси Броун "Темурийлар даври ҳинд наққошлиги" асарида "Бу мураққаъ шуни кўрсатадики, Дорошукуҳ... миниатюра санъатининг том маънодаги буюк донишманди ва ижодкори бўлиб, наналарни баланд дид билан сайлаб олган", дейди. 1940 йили "Таймс оф Индия" газетасида чоп этилган мақоласида Чекил Бурнс "Кўҳи Нур"ни Шарқ олмосларининг энг олийси дейиш расм бўлган. Дорошукуҳ тайёрлаган бу альбомда Эрон, Марказий Осиё ва темурийлар даври Ҳиндистон миниатюраларининг энг гўзал намуналари юксак дид ва санъаткорлик билан жамланганки, унинг қиммати "Кўҳи Нур"дан асло кам эмас, деб таъкидлайди. Дорошукуҳ тасвирий санъат назариясига доир мулоҳазаларини альбомга ёзган муқаддимасида батафсил баён этган. Ушбу альбом Шарқ халқлари миниатюра санъати тарихини, хаттотликнинг усул ва услубларини ўрганишда нодир манба ҳисобланади.

Дорошукуҳ бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. У ғазал, қасида, рубоий, қитъа, фард каби жанрларда кўплаб шеърлар ёзган. Умрининг охирларида шеърларни тўплаб, "Иксири Аъзам" номи билан махсус девон тартиб берган. Дорошукуҳ ўзини қодирия тариқатининг вакили деб билгани учун шеърларида "Қодирий" тахаллусини қўллаган. Дунёдаги турли қўлёзмалар хазиналарида Қодирий девони, дастхатларининг турли нусхалари сақланади. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги 2295-рақамли қўлёзманинг 1-97-варақларидан Қодирий девони ўрин олган.

"Салтанат ҳеч нарса эмас, фақрликка юз тутган" деган Қодирий кишиларни поклигу ростликка, қамтарлигу тавозега, инсондўстлигу ширингуфторликка даъват этади.

Хулоса қилиб айтганда, Дорошукуҳ илм ва ижодда бой мерос қолдирган ориф шаҳзодадир. Унинг тасаввуф назарияси, мазҳаблари ва ислом тарихига доир қарашлари, таржимонлик фаолияти умумбашарий аҳамиятга эга. Дорошукуҳ ижодини ўрганиш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу меросни янада кенгроқ таҳлил қилиш ва девонини нашр эттириш шарқшуносларнинг галдаги вазифасидир. Зеро, Дорошукуҳ Шарқ тасаввуф таълимотини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда қодирия тариқатининг асосларини бадиий ижодда инъикос эттиришга муваффақ бўлган санъаткордир.

«Тафаккур» журналининг 2007 йил 3-сонидан қисқартириб олинди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда юзага келадиган вазият туфайли аниқ режалар асосида иш қилишингизга тўғри келади. Янги танишлар орттиришингиз эҳтимоли бор.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни кунларда ишдаги салоҳиятингиз раҳбарият томонидан муносиб баҳоланади. Баъзи масалалар ечимида эса сабрлироқ бўлганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ишда ҳам, оилада ҳам айни кунларда омад сиз томонда бўлади. Шу боис барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда хизмат сафарига чиқишингиз эҳтимоли бор. Сафар чоғида орттирадиган таниш-ларингиз келгуси фаолиятингизда асқотиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ўйлаган ишларингизни амалга оширишда эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Якшанбада барча ишларингизни четга суриб, мириқиб дам олинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда ҳамкасблар билан муносабатингизни анча яхшилаб оласиз. Жума куни эса ишларингиз жуда қўпайиб кетиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Эски муаммоларни ҳал қилиш учун шу кунларда қулай имконият юзага келади. Шанбада сиз кўпчиликнинг диққат марказида бўлишингиз кутилянти.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўқиш ва ижодий салоҳиятингизни ошириш билан боғлиқ масалалар айни кунларда осонликча ечим топади. Доимо ўз кучингизга ишониб иш қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда кўзланган мақсадга эришиш учун атрофдагилар билан муносабатда муросали ва сабр-тоқатли бўлганингиз маъқул. Жума дам олиш учун жуда қулай.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Зиммангиздаги вазифаларни кетма-кетликда амалга оширишга одатланинг. Қарз билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, уларни шу кунларда ҳал қилинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда кўтаринки кайфиятда бўласиз. Лекин янги ғояларингизни амалга оширишни кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Режаларингизни ҳаётга татбиқ этишда бироз чигалликлар юзага келиши мумкин. Қатъиятлилигингиз туфайли барча тўсиқларни енга оласиз.

Юртимиз спортчилари довруғи

БОКСЧИЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Жорий йилнинг 14-21 октябрь кунлари Ҳиндистонда ўтказилган тўртинчи халқаро умумармия ҳарбий спорт ўйинларида мамлакатимиз вакиллари беш олтин, икки кумуш ва еттита бронза медалини қўлга киритди. Тошкент халқаро аэропортида улар тантанали кутиб олинди.

Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 102 мамлакатидан беш мингдан зиёд ҳарбий футбол, енгил атлетика, кураш, дзюдо, бокс каби ўндан ортиқ спорт тури бўйича ўзаро куч синашди.

Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳарбий спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида еттинчи ўринни қўлга киритди. Бунда олтин медаль соҳиблари — боксчиларимиз, ҳарбий хизматчилар Абдуғаффор Умаров, Равшан Худойназаров, Элёрбек Ғуломов, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий Баҳодир Мамажонов ҳамда дзюдочи Ўткир Қурбоновнинг, айниқса ҳиссаси катта бўлди. Боксчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

— Мусобақага жуда кучли спортчилар йиғилди, — дейди олтин медаль соҳиби Равшан Худойназаров. — Мен 69 килограмм вазн тоифасида финалда ҳам рингга чиқиб, озарбойжонлик рақибим устидан ғалаба қозондим. Жуда хурсандман. Бундан кейин ҳам юртим шарафиини муносиб ҳимоя қилишга, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиламан.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Диққат, танлов!

"МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ"

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, аҳолининг барча қатлами орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мантазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ***"Менинг Конституциям"*** *танловини эълон қилади.*

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
- **энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж),**
- **энг яхши интервью,**
- **энг яхши фоторепортаж.**

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган "Менинг Конституциям" танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари келгуси йил Конституция куни арафасида аниқланади ва тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар "Менинг Конституциям" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 20 ноябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри—100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-16-15 **www.mmf.uz,** e-mail: **mmf@uzpak.uz.**

Ташкилий қўмита

Тенгдошга танбеҳ

... БОҚҚА БОРИШ ҚОЧМАЙДИ!

ёхуд хиёбондаги "таниш чеҳралар" хусусида

Киши кундалик ташвишлардан чарчаган пайтларида катта-кичик муаммолардан бироз бўлсада узоқлашгиси, тинч, осуда боғларда сайр этиб, хордиқ чиқаргиси келади. Шукрки, пойтахтимизда йилнинг ҳар фаслида ўзига хос гўзал манзара касб этадиган, сўлим истироҳат боғлари кўп. Одамни ўзига оҳанрабодай тортадиган бу гўшаларга кирганнинг руҳи енгил тортади. Лекин...

Дил тортиб боққа борсангиз-у, кўнгилдагидай хордиқ чиқаролмаслигингиз ҳам мумкин. Нима учун дейсизми? Масалан, боғдаги ўриндиқларнинг деярли барчасини жуфт-жуфт бўлиб банд этган ёшгина йигит-қизларнинг ҳуда-беҳуда хиринглаши, беҳаё қилиқлари ғашингизни келтирса-чи? Уларнинг бўй-бастига қанчалар ҳавасингиз келса, қилаётган хатти-ҳаракатларидан шунчалик хижолат тортасиз. Бир-бирининг пинжига тиқилиб ўтирган ёшлар бу ерга боғнинг сўлимлигидан баҳра олиш учун эмас, одамлар гавжум бўлмаган пана жой излаб келгани аниқ. Ёнига катта одам ўтирдими ёки онаси билан сайрга чиққан болакай уларга қизиқсиниб қараяптими — парво қилишмайди! Аслида бироз ором олиш учун боққа кирган бўлсангиз-да, бу манзарани кўриб "Буларнинг эртаси нима бўлади? Ота-онаси билармикан шу тахлит юришини..." қабилидаги ташвишли ўй-хаёллар гирдобида қоласиз. Бундай пайтда буви ёки бува ўз набираси, ота-оналар эса турган гапки, ўз фарзандларидан хавотирга тушиб қолиши ҳеч гапмас: "Ўқиш бир ёқда қолиб, шундай юрган бўлса-я..."

Боғ, хиёбонларга ҳар хил тоифа ва ёшдаги кишилар айланиш учун атай бормаса-да, умуман, йўли шу томонга тушиб, боғ оралаб кетаётган каттаю кичик айрим беҳаё йигит-қизларни кўриб, шундай хаёлга бориши шубҳасиз. Яна катталар ёшларнинг юриш-туриши ҳақида аччиқ сўз айишса, танқид қилишса, жаҳлимиз ҳам чиқади. Тўғри, ҳамма йигит-қизлар шундай енгилтабиат эмаслар. Шундай бўлса-да...

Истироҳат боғларини қўятурайлик, Тошкентнинг қоқ марказидаги сўлим хиёбонларнинг ўриндиқлари куннинг исталган қисмида, ҳатто барча ўқув масканларида машғулотлар қизғин кечадиган эрталабки соатларда ҳам ёшлар билан банд эканини қандай изоҳлаш мумкин? Кунда-кунора шу хиёбондан ўтаман. Бу ерда бир-бирининг кифтига қўл ташлашиб ўтирадиган йигит-қизларнинг чеҳраси ҳар куни кўраверганимдан менга таниш бўлиб кетган. Шу боисдан аниқ айтишим мумкинки, ҳамма тенгдошларимиз ҳам билим олиш, изланиш ўрнига бу тарзда такасалтанглик қилиб юргани йўқ. Кишини энг ўйлантирадиган жиҳати, улар ўзлари ўтирган баъзи жойлар халқимизнинг асл ўғлонлари, қаҳрамон аждодларимиз хотираси ёд этилажак, яъники табаррук жой эканини ё англайдилар ёки йўқ. Акс ҳолда, баланд овозда сўзлашиб, хиринглашиб, писта чақиб ўтиришмас эди, менимча...

Биз эркин юрт фарзандларимиз. Шу юртдаги боғроғлару гиёҳлар ҳам биз ёшларники, барчамизники. Бизнинг билим олишимиз, ўйнаб-қувнашимиз учун барча шароит муҳайё. Лекин ҳар бир ишнинг ўз фурсати бор — билим олиш учун берилган имконият ва вақтни беҳуда сарфласак, аввало ўзимизга зиён. Энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам она юртга садоқат билан хизмат қилиш борасида бизга ўрнак бўлишга лойиқ аждодларимиз хотирасига нисбатан ҳурмат ҳиссини унутмаслигимиз лозим.

Ботир САНГИРОВ,
талаба.

Донолларнинг дурдона фикрлари

КИТОБ ҲАҚИДА

Ичи ғунча каби варақ-варақдир,
Қимматда ҳар варақ табақ-табақдир.

Абдурахмон ЖОМИЙ

Биринчи бор яхши китоб ўқиганда ўзимизни гўё яхши дўст орттиргандек сезамиз. Ўша китобни яна такрор ўқиш эса эски дўст билан қайта учрашишдек гап.

ВОЛЬТЕР

Ҳамма халқлар ва даврларнинг китобларида заковат ва эзгулик бойлиги сочилиб ётибди.

Лев ТОЛСТОЙ

Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ёлғиз ўзи узлатда, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, балки ўтмиш ва бугунги кунинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади.

Стефан ЦВЕЙГ

Китоблар замон тўлқинларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир.

Фрэнсис БЭКОН

Утерянный диплом КНТ 255592 выданный 1998 году 22-школой г.Ташкента на имя Самуковой Нафиса Абдухамидовны считать недействительным.

Утерянный гос. ордер № 01-02/5997 от 08.02.1993 г. о праве собственности на квартиру на имя Кусовой Нелли Анатольевны считать недействительным.

Утерянную круглую печать и штамп выданный на ТЧСЖ "Толиной коммунал" Хамзинского р-на г.Ташкента считать недействительным.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб бери[illegible]ибатга олган ҳолда имкон доирасида фойда[illegible]ят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **136-53-93**
Тел/Факс: — **133-44-25**
Масъул котиб: **136-53-75**
Котибият — **136-55-69**
Хатлар бўлими: **136-57-62**

2007 йил 24 октябрь
43 (593)

11088 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-920 2 3 4 5 6 Топширилди — 22.10